Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 32 (8022). ● 16 февраль, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ТАЖРИБАДА СИНАЛДИ

ДАЛАЛАРДА баҳор шабадаси эсиб қолди. Деҳқон 1983 йилнинг кўкламини зарбдорчасига бошлаб юбориш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Галаба районидаги Калинин номли совхознинг Озод Акбаров етакчилигидаги шоличилик бригадаси ишчиларининг ҳам гайрати ўзгача. Улар бу йил ҳосилдорликни ўтган йилгидан 10 центнер ошириш, яъни 75 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилишган.

СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллик юбилейи нишонланган 1982 йилда 70 гектар ерда деҳқончилик қилган «қирмизи дон» шайдолари ҳар гектар ердан пландаги 46 центнер ўрнига 65 центнердан ҳосил йиғиштириб олган эдилар.

— Ҳар бир тадбирни бошидан пухта бажарган киши доимо мўл ҳосил етиштиради,— дейди бригада етакчиси О. Акбаров.— Буни биз ўз тажрибамизда кўп марта синаб кўрдик. Албатта, бунинг учун ҳар бир киши онгли интизом билан унумли меҳнат қилмоғи лозим.

Бригадирнинг гапларида жон бор. Айни кунларда коллектив деҳқонлари кўкламги дала ишларига пухта тайёргарлик кўришяпти. Ариқ-зовурлар тўла тозалаб бўлинди. Шоли экиладиган майдонлар капитал планировка қилинмоқда. Ҳар бир киши зиммадаги мажбуриятга яраша ҳосил учун мустаҳкам замин ҳозирлашга муносиб ҳисса қўшяпти.

З. ИСРОИЛОВ.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ОБЛАСТЬ партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилади.

Бўка районига (район партия комитетининг секретари Исломов, район ижроия комитетининг раиси Абдужабборов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Гуломов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Содиқов, район комсомол комитетининг секретари Муҳаммаджонов ўртоқлар). Бу районда давлатга гўшт сотиш суръатини 13 процент, сут сотиш суръатини 3 процент, тухум сотиш суръатини 13 процент ўстиришга эришилган. Маҳсулот етиштиришни ҳамда мол ва паррандалар сонини кўпайтиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори ўсишга эришилган.

Галаба районидаги «Победа» колхозига (раиси Пак, партия комитетининг секретари Калтурсунов, касаба союз комитетининг раиси Нурбеков, комсомол комитетининг секретари Мелибоев ўртоқлар). Бу колхозда давлатга гўшт сотиш суръатини 15 процент, сут сотиш суръатини 10 процент, тухум сотиш суръати 25 процент ўстириш таъминланган. Маҳсулот етиштиришни ҳамда мол ва паррандалар сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори ўсишга эришилган.

Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхозга (раиси Жўраев, партия комитетининг секретари Сойбназаров, касаба союз комитетининг раиси Назаров, комсомол комитетининг секретари Отахонов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга гўшт сотиш суръатини 28 процент, сут сотиш суръатини 27 процент, тухум сотиш суръатини 25 процент ўстириш таъминланган. Маҳсулот етиштиришни ҳамда қорамол ва паррандалар сонини кўпайтиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори ўсишга эришилган.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозига (директори Альбеков, партия комитетининг секретари Нишонов, касаба союз комитетининг раиси Исмоилов, комсомол комитетининг секретари Кимчимов ўртоқлар). Бу совхозда давлатга гўшт сотиш суръатини 25 процент, сут сотиш суръатини 44 процент ўстириш таъминланган. Маҳсулот етиштиришни ҳамда мол сонини кўпайтиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори ўсишга эришилган.

Оққўрғон ва Калинин районларида чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажаришда яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бўка районига, Галаба районидаги «Победа», Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхозларга, Калинин районидаги «Қорасув» совхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

- ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА!
- ИНТИЗОМ БОР ЖОЙДА ҮНУМ БОР
- ЧОРВАЧИЛИККА — ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК

1984 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Оҳангарон галла маҳсулотлари комбинатининг Лидия Саломова бошлиқ бригадаси коллективи беш йилликнинг ўтган даврида 30 минг тонна ун ишлаб чиқарди. Бугундан бошлаб улар 1984 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Бригада аъзолари кеча ўз йиғилишларида ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўрт йилда адо этишга қарор қилдилар.

А. БОБОБЕКОВ.

ЧЎПОНЛАР АҲДИ

«Оҳангарон» совхозининг 6-бўлими қўйчивонлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тўққизинчи пленуми қарорларига жавобан зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Қ. Каримов, Ғ. Ҳасанов каби чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан пландаги 92 ўрнига 120 тадан соғлом қўзи олишга сўз бердилар. Э. Қуролов бошлиқ чорвадорлар эса бу кўрсаткични 125 тага етказиш, шунингдек ҳар бир қўйдан ўртача 4,5 килограммдан жун қирқиб олишга аҳд қилишди.

Бўлим бўйича бу йил ҳар юз бош она қўйдан 115 тадан қўзи олиниб, уларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдириш мўлжалланмоқда. Совхоз маъмурияти белгиланган марраларни эгаллаш учун голибларни рағбатлантириш тадбирларини белгилади.

А. АБДУЛҲАҚОВ.

● ДИЛБАР РАИМОВА Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут-товар фермасида меҳнат қилади. У устози Мунаввар Исоқованинг тажрибаларини қўллаб, бу йил ўзига бириктирилган 30 бош сигирнинг ҳар биридан 5500 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқда.

В. Портнов фотоси.

ЕРНИ СЕМИРТИРСАНГ

ОҚҚЎРҒОН районидаги С. Сегизбоев номли совхознинг Юсуф Нишонов бошчилик қилаётган бригадаси заршунослари бир неча йилдирки, мусобақанинг олдинги сафида боришяпти. Ҳар йили «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириб, зиммаларига олган план ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажаришяпти.

Коллектив заршунослари мўл ҳосил учун курашни кузданёқ бошлаб юборишди. Бригада учун махсус кузги-қишки тадбирлар комплекси белгилаб олинган. Уни сифатли бажариш учун ҳамма бирдек меҳнат қилади. Айни кунларда баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик қизғин, Ерларни ғўзапоялардан тозалаш, суғориш тармоқларини тартибга келтириш тугалланди. Шунингдек, экиш даврида солиқ учун маҳаллий ўғит жамғарилмоқда.

— Мўл ҳосилнинг асоси ҳозир тайёрланади, — дейди Ю. Нишонов, — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Кўкламги экишга тайёргарликни кучайтириш тадбирлари комплекси белгилаб олинган. Уни сифатли бажариш учун ҳамма бирдек меҳнат қилади. Айни кунларда баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик қизғин, Ерларни ғўзапоялардан тозалаш, суғориш тармоқларини тартибга келтириш тугалланди. Шунингдек, экиш

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

СССР Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг 14 февралда бўлиб ўтган мажлисида СССР-нинг Озиқ-овқат программаси топшириқларини бажариш билан боғлиқ бўлган бир қанча актуал масалалар муҳокама қилинди.

Брянск ва Кустанай область агросаноат бирлашмалари раисларининг шу областлар, колхоз ва совхозларни кўкламги экишни ўтказишга қандай тайёргарлик кўрганликлари ҳақидаги ахборотлари тингланди. Хўжаликларни донли экинлар, шунингдек картошка, емхашак, сабзавот экилари ҳамда юксак экиш кондициясига эга бўлган бошқа экинлар уруғликлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Мамлакат хўжаликларида меҳнатни ташкил қилишнинг илғор методларини, нарядсиз ишловчи бригадалар ва звеноларни, индустриал технологияларни оммавий равишда жорий қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотнинг даладан истеъмолчига етиб боргунча бутун йўл мобайнида нобуд бўлишининг олдини олиш зарурлиги таъкидланди.

СССР нефть маҳсулотлари Давлат комитети, СССР қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқариш-техника таъминоти Давлат комитети, СССР Нефть химияси саноати министрлиги ва Темир йўллар министрлигига колхоз ва совхозларга, айниқса мамлакатнинг дала ишлари бошланаётган жанубий районларига ёнилги-мойлаш материалларини ўз вақтида ташиш тўғрисида конкрет кўрсатмалар берилди.

Мамлакатнинг Европа қисми, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг суғориладиган ерларида соя дони етиштиришни кўпайтириш тадбирлари муҳокама қилинди.

СССР Балиқ хўжалиги министрлигининг СССР Озиқ-овқат программаси талабларига мувофиқ озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш, уннинг турларини хилма-хил қилиш ва сифатини яхшилаш соҳасида қандай ишлар ўтказилаётганлиги тўғрисидаги доклади тингланди.

Мажлисда колхозларни, совхозларни ва сельхозтехника корхоналарини «Дон» типидаги янги дон комбайнларидан юқори унумли фойдаланишга ўз вақтида тайёрлаш тадбирлари белгиланди.

Ҳамма масалаларни муҳокама қилиш давомида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг энг зарур вазифаларини ҳал этишда республикалар, ўлкалар, областлар ва районларда тузилган агросаноат бирлашмаларининг ролини оширишга эътибор берилди.

(ТАСС).

БАҲОР ШАБАДАЛАРИ

КАЛЕНДАРЬ бўйича февраль — қиш фасли. Лекин бу ой ўзбек деҳқони учун долзарб палла. Зеро, далаларда ховур кўтарилиб, баҳор шабадаси эсиб қолди. Ариқ ва анҳор бўйларида майсалар бўй кўрсатиб деҳқон кўнглига гулгула соляпти. Экинлардан кўнгилдаги ҳосилни олиш бугунги ҳаракатга боғлиқ эканлигини тажрибали деҳқонлар жуда яхши биладилар. Шунинг учун кундан-кунга далаларда иш қизиғандан қизиб боряпти.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозида бўлганимизда заршунослар ниг келгуси ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун фидокорона меҳнат қилаётганликларини кўрдик.

— Майдонларни тайёрлаш, мавжуд машина ва механизмлар ремонти, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари муваффақиятли тугалланди, — дейди колхоз раиси Зокир Пўлатов.— Лекин далаларимизда иш қизғин давом этяпти. СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллик юбилейи нишонланган 1982 йилда давлатга 2675 тонна «оқ олтин» етказиб берган пахтакорларимиз 1983 йилда ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб камида 3300 тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар.

Дарҳақиқат хўжаликнинг қайси бригадасида бўлмайлик юксак мажбуриятга яраша иш олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Дала йўлидан маҳаллий ўғит ортган тележкалар аримайди.

— Маҳаллий ўғит жамғариш қишдаги энг зарур юмушлардан бири ҳисобланади,— изоҳ беради колхоз бош агрономи Нарзулла Маҳмудов.— Бу йил далаларга 8 минг тонна гўнг ташиб чиқарилди. Бундан 5 минг тоннаси шудгорлаш даврида экин майдонларига солинди. Қолганлари чигит экишдан олдин ишлатилади.

Колхозда икки йилдирки, экин майдонларини маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг янги усулидан фойдаланилмоқда.

РЕПОРТАЖ

Мавжуд 830 гектар пахта майдони махсус картага олинган. Унда ҳар бир гектардаги тупроқнинг тузилиши текширилган ва натижаси ёзиб қўйилган. Шунингдек, бу карталардаги тупроқнинг қайси ўғитга муҳтож эканлиги ҳам кўрсатилган. Аммофос, калийли ва азот ўғитларидан фойдаланишда ана шу картограммага амал қилинмоқда. Бу картограмма колхоздаги 11 та далачилик бригадаси учун алоҳида-алоҳида тузилган бўлиб унда йил давомида амалга ошириладиган ишларнинг муддати ва плани қайд қилинган.

— Бош агроном Н. Маҳмудов ва бош гидротехник Алексей Эм ўртоқлар ишлаб чиққан бу картограмма жуда қўл келяпти, — дейди раис З. Пўлатов. — Шу асосда аввало ортиқча минерал ўғитларнинг ишлатилишига барҳам берилади. Иккинчидан, ҳосилдорлик ҳамма карталарда бир хил, юқори бўлмоқда.

Техника деҳқон қаноти. Униингсиз бирон тадбирни ўз вақтида бажариш қийин. Колхоз деҳқонлари буни яхши билишади. Шунинг учун доимо мавжуд барча машина ва механизмлар барвақт сифатли ремонт қилинади. Айни кунларда мавжуд 15 та селялка, 24 та культиватор, 17 та ҳайдов тракторн, 30 та чопиқ трактори, 48 та прицеп ва 15 та пахта терш машинасининг ҳаммаси мавсумга шай.

— Биз учун энг қийин муаммолардан бири сувдир, — суҳбатга қўшилди бош гидротехник А. Эм. — Хўжалигимиз экин майдонлари суғориш каналининг охирига жойлашган бунинг устига деярли 50 процентн паст-баланд қир зонадан иборат. Шунинг учун экинларга сувни асосан насослар орқали чиқарамиз Мавжуд 7 та суғориш насослари мавсумга тахт. Колхозданги ички суғориш тармоқлари ҳам тозалаб қўйилган.

Колхоз правленнеси, партия ташкилоти ва касаба союз комитети томонидан кузги-қишки тадбирлар комплексини ўтказиш юзасидан бригадаларо, механизаторларо ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилган. Бу мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалиб, голиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилади. Голиб чиққан бригада шарафига колхоз правленнеси томонидан шон-шуҳрат байроғи кўтарилади. Содиқ Пўлдошев, Шарофиддин Жалолов, Кучали Тошалиев, Жумабой Кўчқоров ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг заршунослари кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Дала ишларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Кўкламги экишга тайёргарликни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этган хўжалик деҳқонлари картошка, каноп, маккажўхори ва шолидан ҳам ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштиришни режалаштирдилар.

— Баҳор мавсумига барвақт ҳозирлик кўриб қўйганлигимизнинг бош омили ҳар бир соҳада юксак интизомни таъминлаётганлигимизда, — дейди З. Пўлатов. — Меҳнаткашларимиз бундан буён ҳам барча тармоқларни жадал суръатларда ривожлантириб, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили юзасидан белгиланган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарадилар.

Ф. МУҲИДДИНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙИЛАБ

РЕЗЕРВЛАР, ИМКОНИЯТЛАР

ЕМ-ХАШАКДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

✦ НУРОТА районидаги «Ғазғон» совхози чорвадорлари ем-хашакдан фойдаланиш самарадорлиги резервини топдилар. Бу ерда бир кунда уч маҳал охурлардан пичан, сомон, изен, янтоқ қолдиқлари йиғиштириб олиниб, сўнгра тозаланади, ювилади, махсус қурилмаларда қуритилиб, яна қайта ишлаш учун юборилади. Хўжаликда қудратли озуқа цехи кечаю кундуз ишлаб турибди. Бу ерда беда пичани билан бирга донадор ем тайёрлашда ана шу қолдиқлардан ҳам фойдаланилмоқда. Натижада жониворлар рациони анча ошди ва ўнлаб тонна емхашак тежалди.

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ

✦ ВОРОШИЛОВ районидаги «Гулистон» совхозининг ишчилари икки мингта қуён боқишга мўлжалланган ферма қурилишига атиги тўрт юз сўм сарфладилар. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга нобоп бўлган бир гектар ерни сим тўр билан ўраб, бу ерда кенг ариқлар қазидилар, ҳамда уларнинг устига қамиш капалар ўрнатдилар. Қишда бундай ер ости фермасида иссиқ, ёзда эса салқин бўлади.

Хозир бу ерда 3600 та қуён боқилмоқда. Ферма ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулот бера бошлади — савдо тармоғига 7600 килограмм парҳез гўшт жўнатилди. Илғор қуёнбоқарлардан опа-сингил Бувиражаб ва Бейбит Эшбековалар ҳамда Маъмурфат Тешаковалар бу йил қуёнларни 4500 тага етказишга сўз бердилар.

ИЛМИЙ ИЗЛАНУВЧИЛАР ДАЛАГА ЧИҚИШДИ

✦ «СОЮЗГИПРОЛЕСХОЗ» институти Урта Осиё филиалининг илмий изланувчилар отрядлари дала мавсумини бошлаб юбордилар. Қизилқумда улар қум массивларини ўрганадилар, 200 минг гектар яйловга ихота дарахтлари ўтказиш лойиҳалари учун материаллар тайёрлайдилар. Бухоро ва Навоий областларидаги ўнта қоракўлчилик совхозларидан ана шундай ишларни бажариш учун буюртмалар тушди.

Беш йиллик охирига ўрмон ходимлари Қизилқумда экинзорларни ихота қилувчи полосаларни вужудга келтиришни кўзда тутмоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

ЯНВАРЬ ОЙИ САНОАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, 1983 йил январь ойида республика саноати маҳсулот реализация қилиш планини 101,2 процент бажарди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1982 йилнинг январига нисбатан 6,5 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 3,9 процент ошди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноатида маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги юзасидан ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари юзасидан январь ойи учун белгиланган план қандай бажарилганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиш процента, учинчи устун — ишлаб чиқариш ҳажми бўйича планнинг бажарилиш процента, тўртинчи устун — меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиш процента, бешинчи устун — 1983 йил январида 1982 йил январига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати

Ўзбекистон ССР	101,2	101,5	101,2	106,5
Шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	103,6	101,4	101,8	109,7
Андижон области	102,1	101,0	102,7	112,6
Бухоро области	102,7	102,8	100,7	106,1
Жиззах области	102,7	103,3	105,8	107,4
Қашқадарё области	101,5	102,0	101,4	119,6
Навоий области	102,5	102,6	102,3	112,4
Наманган области	101,0	101,3	101,0	103,8
Самарқанд области	101,1	101,7	102,2	102,2
Сурхондарё области	101,2	101,5	101,5	121,8
Сирдарё области	100,4	100,4	101,4	112,0
Тошкент области	100,2	100,7	100,8	104,7
Фарғона области	100,1	100,1	98,4	103,7
Хоразм области	106,1	106,1	105,8	105,8
Тошкент шаҳри	101,3	101,8	101,8	105,6

Газ ва нефть қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, трактор сеялкалари, кўрак узиш машиналари, мебель, чинни-фаянс идишлар, ип-газлама ва шойи газлама, трикотаж, пойабзал, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, консерва ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди.

Республиканинг бир қанча корхоналари ишда ижобий натижаларга эришди.

Шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш юзасидан январь ойи учун белгиланган планни СССР Химия саноати министрлиги, Минерал ўғит ишлаб чиқариш саноати министрлиги, Нефть химияси саноати министрлиги, Кўмир саноати министрлиги корхоналари бажармади, 31 та корхона маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилишини таъминлай олмади, улар планга нисбатан 13,2 миллион сўмлик маҳсулотни кам реализация қилди.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари айрим коллективларда планнинг бажарилмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги ҳажмини ўстириш суръатлари пасайиши сабабларини суриштириб аниқлашлари, уларга давлат планларини бажаришда ҳамда КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишда зарур ёрдам беришлари керак. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини ҳар томонлама тежаш асосида корхоналар ишининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриш, ҳар бир корхонада ўн биринчи беш йилликнинг марказий йили планлари ва социалистик мажбуриятлари бажарилиши учун шарт-шароит яратиш ҳамда умуман беш йиллик топшириқларини бажариш учун пухта замин вужудга келтириш керак.

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ ОММАВИЙ БЎЛСИН

Областимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан бораётган социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Бу ватанпарварлик ҳаракати халқ хўжалигининг турли тармоқларини юксалтиришда катта-катта муваффақиятларга эришиш имконини берапти. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги, унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришда қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Капитал қурилиши, транспорт, алоқа янада ривож топди.

Ана шундай катта муваффақиятларда фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишни таъминлашга хизмат қилувчи фан-техника тараққиётининг жадаллашиши, ихтирочилик ва рационализаторликнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришга қаратилди. Айни вақтда улар қўл меҳнати сарфини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини камайтириш металл, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, иш шароитларини яхшилашга қаратилган кўпдан-кўп таклифлар билан чиқдилар.

Айниқса, техник ижодкорликнинг энг самарали соҳаси ҳисобланган ихтирочиликда қувончли ютуқларга эришилди. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган икки йили мобайнида областимиз олимлари, инженерлари, ишчи-хизматчилари томонидан яратилган ўнлаб ихтиролар халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий қилинди.

Областимиз корхоналари ва ташкилотларида ихтиролардан фойдаланиш аҳволи анча яхшиланди. Жумладан, В. П. Чкалов номидаги авиация, «Средазэлектроаппарат», «Ўзбектекстильмаш», «Технолог» «Тошкент трактор заводи» бирлашмаларида ихтироларни жорий этишни ташкил этиш ва планлаштиришда катта тажриба тўпланди.

Ихтиролардан фойдаланиш беш йилликнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланган моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш билан боғлиқ бўлган муаммони ҳал қилишга ёрдам бермоқда. «Ўзбектекстильмаш», «Средазэлектроаппарат» бирлашмаларида, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Ангрендаги «Резинотехника» заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати ва қатор бошқа корхоналарда техник янгиликларни жорий қилишдан анчагина иқтисодий самара кўрилди. Масалан, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида вольфрамдан сим чўзишнинг янги усулини жорий қилиш туфайли 1,2 миллион сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам қатор ихтиролардан фойдаланилди. Биргина Оққўрғон районидаги хўжаликларида ихтирочиларнинг чигитни тупроқ инфекциясидан муҳофаза қилишга қаратилган янги усулини қўлланиш туфайли ўтган йили 1,2 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ тежаб қолинди.

Рационализаторларимиз ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол қатнашдилар. «Таштекстильмаш», Тошкент лакбўёқ, граждан авиациясининг 243-заводлари рационализаторлари коллективлари юбилей йили бошларида ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини фойдаланишдан иқтисод фондини вужудга келтириш бўйича беш йилликнинг уч йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилдилар. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти область Совети бу ташаббусни маъқуллади ва кенг ёйиш бўйича тадбирлар белгилади.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган икки йили мобайнида салкам 57 минг рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бунда ўнларча миллион сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Ҳар бир таклифнинг иқтисодий самараси ҳам ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили ҳар бир рационализаторлик таклифини жорий қилишдан олинган ўртача фойда миқдори 1980 йилдагига нисбатан 11,6 процент, ҳар бир ихтиронинг эса 106 процент ошиқ бўлди.

Бундай муваффақиятларга меҳнаткашлар ижодий ташаббусининг ортиши, ихтирочилар ва рационализаторлар сафларининг кенгайиши, хўжалик раҳбарлари, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг жойлардаги кенгашлари, рационализаторлик ва ихтирочилик бюролари ҳамда патент бўлимлари иш фаолияти яхшиланганлиги туфайли эришилди.

Лекин, областимиз ихтирочилари ва рационализаторлари янада юксакроқ марраларни эгаллашлари учун фаолиятимиздаги қатор нуқсонлар ҳалақит берди. Айрим корхоналар ва ташкилотларда ижодкорларнинг сафини кенгайтириш, уларнинг самарали ишланишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш, ёрдам кўрсатиш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Тушган таклифлар ҳар доим ҳам ўз вақтида кўриб чиқилмаяпти, улардан олинадиган самара ҳисоблаб берилаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам областимиз экономикасининг айрим тармоқларида ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг маълум қисми фойдаланилмай қолаяпти. Химия ва машинасозлик корхоналарида қабул қилинган таклифларнинг фақатгина 46,9 процентги жорий қилинган. Бинокорлик материаллари саноати корхоналарида эса у 70,6 процентни ташкил этди, химия саноатида 67,5 процент, қора металлургияда эса 69,1 процент бўлди, холос.

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти область Совети, шунингдек, шаҳар советлари, жамиятнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятларини янада жонлантиришлари керак. Областимизда меҳнаткашларнинг техник ижодкорлигини янада оширишга ҳар томонлама ёрдам бериш лозим. Область Советимизнинг бугун очладиган ҳисобот-сайлов конференциясида меҳнаткашларнинг ижодий изланишини янада жонлантириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича муҳокама қилинади. Янги режалар билан қуролланган ихтирочилар ва рационализаторларимиз ўзларининг билимлари, тажрибалари ва техник ижодкорликларини ўн биринчи беш йиллик ва унинг ҳал қилувчи учинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларининг тўла ва ошириб бажарилишига сарфлайдилар.

А. АБДУЛЛАЕВ,
Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Тошкент область Совети раиси.

ШАРАФ ВА ШУҲРАТ — МЕҲНАТГА ЯРАША

ПАРТБЮРО НАЗОРАТИДА

Партбюронинг бу галги кенгайтирилган йиғилишига завод касаба союз комитети аъзолари, цех партия ташкилотлари секретарлари, цех касаба союз комитетлари раислари ҳам таклиф этилди. Масала муҳим. Москваликлар ташаббуси асосида ишчилар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалар йиғилиш кун тартибига қўйилган.

— Коллективимиз юбилей йили топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этди,— деди завод партия ташкилоти секретари Ж. Алдамжаров йиғилишни очар экан.— Планга қўшимча равишда 275 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Йил давомида кўрилган ташкилий-техникавий тадбирлар туфайли 532 минг киловатт-соат электр энергияси, 150 тонна қора металл, сал кам 900 гигакалория иссиқлик энергияси ва бошқа хил хом ашёлар иқтисод қилинди.

Партбюро секретари ўтган йил якунларини бироз шархлаб сўнг асосий эътиборни бу йилги вазифаларга қаратди. Завод коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириғини 25 декабргача адо этиш, қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Ҳар бир киши ҳар бир цех конкрет топшириққа эга. Бу йил ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича бир қатор янгиликлар жорий этилади. Ихтирочилар иш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган 50 та рационализаторлик таклифини амалга оширишга сўз беришган.

— Вазифалар ниҳоятда катта, лекин уларни бажарса бўлади,— дея сўзини якунлаб партбюро секретари.— Бунинг учун ҳар бир ишчи ўз постида сергак туриши, вақтнинг қадрига етиб меҳнат қилиши, интизомсизликка қарши кескин кураш олиб бориши лозим. Бинобарин москваликлар даъвати биз учун бундан буён ҳаракат программаси бўлиб қолиши керак. Сафимизда қолоқлар, тартиббузарлар, интизомсизлар бўлмаслиги керак. Зеро, бир тартиббузар бутун коллектив шаънига доғ тушириши мумкин.

Йиғилишда сўзга чиққан коммунистлар меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи бир қатор таклифларни ўртага ташладилар.

— Ишчиларимиз ўртасида илғорлар оз эмас,— деди механика-йигув цехи бошлиғи А. П. Портнов. — Лекин айрим ишчилар чамаси корхонада кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётганликлари учунми эркалик қилиб ўзларига ортиқча бино қўйиб юборишган. Шундайлардан бири слесарь А. Еремеевдир. Кўп ҳолларда уни ҳамкасблари иш пайтида ширакайф ҳолда кўришади. Йиғилишларда А. Еремеевни қаттиқ танқид қилдик, цех касаба союз комитети мажлисида суҳбатлашдик. Лекин унда ўзгариш сезилмаяпти. Баъзанки, бундай ветеран ишчилар ўзларининг юришт-туришлари билан ёшларга намуна бўлишлари керак. Шу муносабат билан мен коллектив шартномага баъзи бир ўзгартишлар киритишни таклиф қиламан. Одатда ишчи бирон ножўя ҳаракат қилса, ўша кундан бошлаб унга мукофот ёзиш ман этилади. Лекин мен уни шу қилмиши учун йиллик мукофотдан маҳрум қилишни таклиф қиламан.

— Интизомсиз ишчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан жазолаш маълум даражада ижобий таъсир ўтказади,— деди 3-цех партия ташкилоти секретари Н. Ҳусниддинов.— Биз прогулчилар, ичкиликбозларга қарши қўпаётган турли формаларидан самарали фойдаланмоқдамиз. Улар билан суҳбатлар ўтказяпмиз, умумий йиғилишларда муҳокама қилмоқдамиз. Баъзи ҳолларда уларни мукофотдан маҳрум қиляпмиз, маошни ўзига эмас, оила аъзолари қўлига беряпмиз. Бу тартиб маълум даражада тарбиявий роль ўйнаяпти. Ҳозир цехимизда ичкиликбозлар, тартиббузарлар камайиб кетган. Баъзан учрайдиган кўнгилсиз ҳоллар тезда муҳокама қилиниб, интизомсиз ишчи ўз жазосини оляпти.

Йиғилишда бошқа кишилар ҳам сўзга чиқишиб, ўз участкаларида интизомни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

— Москваликлар бошлаган ташаббус ҳар жиҳатдан қимматлидир,— деди завод директори У. Исмоилов.— Шу ташаббус асосида биз тарбиявий ишларни яна бир поғона юқори кўтаришимиз керак. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари билан бирга жамоатчилик асосида ишловчи кадрлар бўлими, мураббийлар совети ишни ҳам активлаштириш керак. Ишчилар билан ишлашнинг барча форма ва методларидан самарали фойдаланишимиз лозим. Ҳар бир ишчи ўзи бажараётган ишга жавоб берсин, ўзига ва ўзгаларга талабчан бўлсин. Шунда ёппасига интизом таъминланган бўлади.

Йиғилиш қабул қилган қарорда москваликларнинг «Шараф ва шуҳрат — меҳнатга яраша» шиори остида бошлаган ташаббуслари қизғин қўллаб-қувватланди. Халқ контроли группаси зиммасига бир қатор вазифалар юкланди. Меҳнат интизомини бузган темирчилик пресслаш цехи штамповкачиси И. Зинуров йил якуни бўйича бериладиган мукофотдан маҳрум этилди ва разряди пастроқ ишга ўтказилди. Интизомни бузган бошқа ишчилар, инженер-техник ходимлар ҳам жиддий жазоланди.

Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводи партия бюроси бундан буён ҳам интизом устидан пухта назорат қилиб боради. Интизомсизлик қилган кишилар қилмишларига яраша жазоланадилар.

С. МАТЕҚУБОВ.

МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

ИНТИЗОМ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОНУНИ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати реконструкцияси жадал суръатлар билан давом этмоқда. Объект ўн биринчи беш йилликнинг зарбдор қурилишиларидан биридир. Областимиз меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятларида ҳам комбинат янги қувватларини муддатидан барвақт ишга туширилиши алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун бош пудратчи — «Алмаликсвинецстрой» трестининг барча бўлинмалари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилди.

Юбилей йилида кон-металлургия комбинатининг қатор муҳим объектларида амалга оширилган реконструкция ишлари бугунги кунда яққол кўзга ташланади. Қалмоққир кони 1-комплекси реконструкциясида қилинган ишлар, айниқса диққатга сазовордир. Бу ерда қурувчиларнинг жонбозлиги туфайли капитал маблағ ўзлаштириш йиллик плани 110 процентга етказиб адо этилди. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планга нисбатан 110 процентни ташкил этди. Конниг иккинчи комплексида эса қурилиш-монтаж ишлари 109 процентга етказиб бажарилди.

Мис саралаш фабрикасида бошланган қайта қуриш ишлари ҳам кўнгилдагидек борянти. Илғор бригадалар бунёдкорлик ишларини сифатли бажариш билан бирга барча объектларни ўз вақтида ёки муддатидан илгари ниҳоясига етказишга эришдилар. Фабриканинг 6-секциясида капитал маблағ ўзлаштириш топшириғи 113 процентга етказилди. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани эса 124 процентни ташкил этди.

Айни кунларда кон-металлургия комбинатининг барча участкаларида реконструкция ишларини олиб бораётган бош ва ёрдамчи пудратчилар ўртасида Қалмоққир конининг 1-комплекси, мис саралаш фабрикасининг 6-секциясида иш юритган коллективлар тажрибаси кенг ёйилди. Келгусида ялпи маҳсулот тайёрлаш салмоғини сезиларли даражада кўпайтириш имконини берадиган бу тадбирларга биринчи галдаги вазифа деб қаралмоқда.

Лекин 1982 йилда бажарилган реконструкция ишларига назар солгудек бўлсак, бу йўналишда ҳам имкониятлардан тўла фойдаланилмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Кейинги 3,5 йил ичида юзлаб миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Шу вақт ичида 25 та саноат объекти, шу жумладан Қалмоққир, Саричек, Олтин топган конларининг, мис бойитиш фабрикасининг янги қувватлари фойдаланишга топширилди. Рух заводини кенгайтириш ишлари поёнига етказилди.

Реконструкция ишларини давом эттириш билан бир пайтда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Очиқ усулда қазиш ишлари олиб борладиган конларда техник қайта қуриш ишлари бажарилиб янада кучли қувватга эга бўлган кон-транспорт қурилмаларидан фойдаланила бошланди.

Афсуски, ишга туширилаётган объектлардаги қурилиш суръатлари мақтайдиган даражада деб бўлмайди. Айниқса, объектларга бинокорлик материалларининг ўз вақтида етказиб берилмаслиги, қурувчилар учун иш фронтининг торлиги натижасида ишда узилишлар бўлиб турибди. Хусусан, носаноат объектлари қурилишида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шуни айтиш мумкинки, 1982 йилда бундай иншоотларда планлар бажарилиши у ёқда турсин, ҳатто 1981 йилдагига нисбатан ҳам камроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Ремонт-механика заводининг етказиб бераётган маҳсулотлари реконструкция ишларининг суръатига у ёки бу даражада таъсир этиши сир эмас. Чунки, завод комбинатнинг барча корхоналари учун реконструкция ишларини бажаришга мўлжалланган айрим конструкцияларни етказиб бериши керак. Кўриниб турибдики, корхона зиммасига жуда масъулиятли ҳамда шарафли вазифа юкланган. Лекин, завод ишчи-хизматчилари бу вазифани қандай уддалаяптилар деган савол туғилади.

1982 йилда ремонт-механика заводи йиллик плани белгиланганда реконструкция ишлари амалга оширилаётган ҳамда қурилаётган объектлар учун 329 тонна ностандарт қурилмалар етказиб бериши қайд этилган эди. Афсуски, ана шу топшириқ ҳатто 50 процент қилиб ҳам уддаланмади. Бунинг натижасида қанчаданқанча участкаларда бунёдкорлик ишлари ўз муддатида тугалланмаганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Олтин топган конига бир неча ҳаво ўтказгич фильтрлари, шахта учун ҳаво тозалагичлар етказиб берилмади...

Комбинат коллективи олдида янада мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. 1983 йилда Олтин топган ва Уч қулоч конларида янги қувватларни ишга туширилиш, қатор бошқа конларда қазиш учун янги майдончаларни тайёрлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мис саралаш фабрикасининг майдалаш-саралаш комплексидаги қурилиш-монтаж ишлари суръатини ошириш планлаштирилди. Бунинг учун реконструкция билан боғлиқ бўлган барча ишларни ўз муддатида ниҳоясига етказиш зарур, аввало қурувчилар ҳамда буюртмачилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш керак.

Бош пудратчи, ёрдамчи пудратчи ва буюртмачи ташкилотлар ўртасида ўзаро алоқанинг кучайтирилиши яхши самара беради, шубҳасиз. Лекин, айрим ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни тўла-тўкис бажармаяптилар. Асбоб-ускуналарни монтаж қилиш, махсус қурилиш ишларини амалга оширишда қолоқликка йўл қўймоқдалар. Бу эса ўз навбатида капитал маблағ ўзлаштириш, товар қурилиш маҳсулотини фойдаланишга топширишда қатор қийинчиликларни вужудга келтирмоқда.

Бу йил комбинат ишлаб чиқариш бўлинмаларини реконструкция қилиш бўйича катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш юзасидан белгиланган план бинокорлар ва монтажчилар зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юклайди. Уларни беками-кўст амалга ошириш комбинатни кенгайтиришда янги марраларни эгаллаш гарови бўлади. Бунга эришмоқ учун комбинат, қурилиш трести, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ҳамда материаллар ва асбоб-ускуналар етказиб бераётган корхоналар коллективлари бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари, барча резервлар ва имкониятларни ишга солишлари ва шу йўл билан ўн биринчи беш йиллик марказий йили топшириқларини шараф билан бажарилишини таъминлашлари даркор.

Г. ВОСТРЯКОВА,
Г. ВОРОБЬЕВА,
пост аъзолари.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ЎН ЙИЛЛИКНИ МЎЛЖАЛЛАБ

● ЧИРЧИҚ. Трансформатор заводининг донгдор токари Г. А. Мурзин меҳнат унумдорлигини 10 процент оширди. Бу билан у ўз социалистик мажбуриятининг муҳим моддасини бажарди.

Беш йилликда ўн йиллик норматив бажариш республика илғорлари ҳаракатининг ташаббускори иккита станокда ишлаб иш вақтини янада тежашга эришди. У лойиҳаларни ўз вақтида ўрганиб чиқади, иш ўрнини тайёрлайди, асбоблар ва ёритув воситаларини оқилона жойлаштиради. Бу асбобларнинг бир қисмини Г. Мурзиннинг ўзи яратган, Юқори малакали ишчи ўз вақтининг учдан бир қисмини станокларни қайтадан созлашга сарфлайди.

Шу кунларда Г. А. Мурзин ўз мусобақадошлари — фрезерчи С. Аширов ва наматкачи Н. Мажидовлардан бир ой ўзиб, 1985 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш зарбдорларидан жами олти киши эса корхонада ўн йиллик топшириқни бажаришни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

● «ЛАЗЗАТ» ишлаб чиқариш бирлашмасида мураббийчилик ҳаракати кун сайин авж олдирилмоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этаётган кўпгина қадоқлаш машинаси операторлари, мураббий ишчи Латифа Сиддиқўжаева ўз шогирди Дилбар Зариповага иш жараёнларини бошқаришни ўргатмоқда.

● ТОШКЕНТ бадиий буюмлар фабрикасининг аёллар бош кийимларни тайёрлаш цехи корхонадаги илғор коллективлардан саналади. Цехнинг кўпгина тажрибали ишчилари беш йилликни муддатидан илгари бажариш ташаббуси асосида иш юритмоқдалар. Бу эса цех кўрсаткичларининг мунтазам ошиб боришини таъминлаяпти. Суратда: цехнинг моҳир гул босувчиси Маъмура Ғофурова.

В. Сироткин фотолари.

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИБ

Пойтахтимиздаги Акмал Икромов райони соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари меҳнаткашларга энг қулай пайтларда хизмат кўрсатиш юзасидан янги тадбирлар белгиламоқдалар. Улар аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини чуқурроқ ўрганиб, уни қондиришга ҳаракат қилаётирлар. Шу мақсадда иш жойларида, маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб, оилаларда якка тартибда суҳбатлар ўюштирилмоқда.

Яқинда райондаги 6-ва 16-болалар поликлиникаларининг шифокорлари «Ўткир» маҳалласининг аҳолиси билан учрашдилар.

— Ҳашар йўли билан қурилган шу клубимизда бундай давралар биринчи бор ўтаётгани йўқ, — дея гап бошлади учрашувда сўзлаган маҳалла комитетининг раиси Аҳмадхўжа Азизов, — медицина ходимлари билан тез-тез кўришиб туриш натижасида беморлар даволаш муассасасига ўз вақтида мурожаат қиладиган бўлиб қолдилар. Участкамиз врачлари Турсуной Асомова, Фотима Иброҳимоваларнинг иши ва муомаласи, тезкорлигидан аҳоли миннатдор.

Йиғилганлар 6-поликлиника бош врачи Шоира Тожиеванинг сўзини мамнунлик билан тингладилар. У даволаш муассасасида хизмат кўрсатиш бўйича ўрнатилган янги тартиблар ҳақида гапириб берди. Эндиликда райондаги 45 минг аҳолига хизмат қилаётган бу поликлиниканинг эшиги эрталаб соат 7.30 дан очилади. Врачлар ҳар куни биринчи ва иккинчи сменада ишлашдан ташқари, якшанба куни ҳам, соат 9 дан 18 гача хизматда бўладилар. Шифохонада беморлар учун барча қулайликлар яратилган. Даволашнинг янги-янги усуллари жорий қилинмоқда. Физиотерапия хизмати кенг йўлга қўйилди. Улуғ Ватан уруши

ШИФОКОРЛАР ЯНГИ ТАРТИБДА ИШЛАШГА ЎТМОҚДАЛАР

ногиронлари, унинг иштирокчилари ҳамда шахсий пенсионерларнинг уйларига бориб, саломатликларидан хабар олиб турилибди.

Даволаш муассасасида врачлар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда, 200 дан зиёд медицина ходими ишлаётган бу жойда олий ва биринчи категорияли шифокорлар сони ортиб бормоқда. Улар ўз тажрибаларини ёш врачларга ўргатмоқдалар.

Учрашувда 16-поликлиника бош врачи Ҳисомиддин Абдусамадов районда оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасидаги ишлар тўғрисида сўзлаб берди. 32 мингдан зиёд болага хизмат кўрсатаётган бу поликлиниканинг «Бекобод», «Бирлик», «Пахтакор» маҳаллаларида ҳам филиаллари очилди. Мактаблар, болалар комбинатлари, мавжуд 40 та педиатрия участкаларининг ҳаммаси малакали врачлар, ҳамшираларнинг ҳаммаси билан таъминланди. Поликлиникада беморлар учун ҳар куни, сутканинг истаган вақтида мурожаат қилиш имконига эга бўлган график ишлаб чиқилди.

Бу даволаш муассасасида санитария маорифи иши ҳам яхши ташкил этилган. Саволжавоб кечалари, радиолекторийлар мунтазам ўтиб туради. Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси болалар орасида юқумли касалликларни йил сайин камайтиришга ёрдам бермоқда.

Шу куни кеча иштирокчиларига Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. С. Тўлаганов, Акмал Икромов район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири М. Жалолов, 1-шаҳар клиникасининг бош врачи Қ. Ризаевлар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида гапириб беришди.

С. ҲАСАНОВ.

Редакцияга келган хатлардан

ЮКСАК МАДАНИЯТЛИ КОРХОНА

ПОЙТАХТИМИЗДА янги турар-жой массивлари қурилиши муносабати билан табиий газ қувурларининг тармоқлари ҳам кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда пойтахтдаги деярли барча хонадонларда, завод ва фабрикаларда, мактаб, касалхона ва бошқа ташкилотларда «зангори олов»дан фойдаланилаяпти. Кейинги пайтда бу арзон ёқилғидан транспортда ҳам фойдаланиш йўлга қўйилди. Айни пайтда шаҳримизда 400 га яқин юк ва енгил автомобиллар суюлтирилган газда ишлашга мослаштирилган.

Шаҳарни газлаштириш 60-йилларда, Бухоро—Тошкент газ қувурининг биринчи навбати фойдаланишга топширилгач кенг кулоч ёзган эди. Ўтган 20 йил давомида «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи газ қурилмаларидан фойдаланиш, кўча газ тармоқларини кенгайтириш, хонадонларни газлаштириш ва аҳолини арзон ёқилғи билан узлуксиз таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Айниқса, юбилей йилида килинган ишлар қувончли бўлди.

Бирлашма коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган социалистик мусобақага актив қўшилиб, барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича давлат топшириқларини зиёдаси билан адо этди. Жумладан, аҳолига ҳамда коммунал-маиший хизмат корхоналарига ёқилғи реализация қилиш йиллик плани 108,2 процент бажарилди.

Истеъмолчиларга техник хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ҳамда газдан фойдаланиш қоидалари бўйича тушунтириш ишларини давом эттиришда аввалги йилларга нисбатан бирмунча силжишга эришилди. Завод ва фабрикаларда олиб борилган ана шундай тушунтириш ишлари йил давомида 32 миллион куб метр газни тежаб қолиш имконини берди. Аҳоли учун йил давомида 8300 тонна суюлтирилган газ тарқатиш планлаштирилган бўлса, йил охирига келиб бу топшириқ 8463 тонна қилиб бажарилганлиги қайд этилди. Бундан ташқари, фақат гражданлар квартираларида 1 миллион сўмликдан зиёд техник хизматлар кўрсатилди.

Муваффақиятлар ҳақида гап кетар экан, уларнинг асосий омилларидан бири социалистик мусобақа эканлигини рўй-рост айтиш мумкин. Ўтган йилги ютуқларга шаҳардаги Фрунзе, Ленин, Куйбишев, Чилонзор, Киров ва Акмал Икромов районларининг газдан фойдаланиш хизматлари қўшган ҳисса катта эканлигини айтиш мумкин. Айниқса, биринчи класс мастери Павел Кондрашев, В. Степанов ва В. Савченко бошчилигидаги бригадалар, ер ости газ қувури слесари А. Алимов ва бошқа ўнлаб илғорларнинг жонбозлиги туфайли йирик кварталлар «зангори олов» билан узлуксиз таъминлаб турилди.

Газни кўп ҳолларда арзон ёқилғи деб атаймиз. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин бундан уни ҳар қанча исроф қилиш мумкин деган маъно чиқмаслиги керак. Бироқ газни ишлатиш тартибларига қандай риоя қилинаётганлигини билиш мақсадида ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, «зангори олов»дан фойдаланиш амалдаги нормаларга нисбатан 2—2.5 баравар кўп экан. Бундан ташқари, айрим абонентлар керакли лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштирмай тегишли ташкилотларнинг рухсатисиз қўшимча газ плиталарини ўрнатиб олганликлари аниқланди. Айрим абонентлар газ плиталари ёрдамида хоналарни иситаётганликлари кузатилди. Ўзбошимчалик билан қурилган 8 та теплицани иситишда ҳам табиий газдан фойдаланилганлиги қайд этилди. Юқорида тилга олиб ўтилган кўнгилсиз воқеаларнинг сабабчиларига нисбатан қатъий чоралар кўришга тўғри келади. Бундай қилишдан асосий мақсад аввало табиий газнинг бекорга исроф бўлишининг олдини олишдир.

Бу борада «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи барча зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Чунки, коллективнинг умумий иш якунлари ҳам, меҳнат кўрсаткичлари ҳам кўп ҳолларда ҳар бир истеъмолчи амалдаги тартибларга қатъий риоя қилишидан келиб чиқади. Юбилей йили якунларига кўра бирлашма Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. СССР Газ саноати министрлиги ҳамда нефть ва газ саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитети коллегиясининг қарорига кўра «Ташгаз» бирлашмаси «Юксак ишлаб чиқариш маданияти корхонаси» деган номга сазовор бўлди. Бу эса коллективдан қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, байроқдорга хос тарзда ишлашни тақозо этади.

Х. УМАРОВ.
«Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси илмий-техника ахбороти бўлимининг раҳбари.
П. ГАЛЛЯМОВ,
катта инженер.

РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ



● «МОСЖИЛСТРОЙ»нинг 220-қурилиш бошқармаси коллективи республикамиз пойтахтида қатор кўп қаватли уйларни бунёд этмоқда. Ушбу суратда (чапдан) қардош бинокорлардан пайвандчи Николай Глазков, участка бошлиғи Ирен Петрович Манчин ва монтажчи Юрий Мальковларни кўриб турибсиз. Улар навбатдаги иш режаларини муҳокама қилишяпти.

Ҳ. Солиҳов фотоси.

ҚАЛБ ТАШАККУРИ

РАҲМАТ

Ҳурматли редакция!

Биз аҳоли саломатлиги йўлида кунни тунга улаб хизмат қилаётган врачлар, ҳамширалар ҳақида кўп марта эшитганмиз. Бу бежиз эмас, албатта...

...Ўғлимиз Тоҳиржон тўсатдан оғир бетоб бўлиб қолганлиги туфайли Янгийўл районининг Халқобод посёлкасидаги касалхонага ётқизилди. Ёлғиз фарзандимизнинг тақдирини ўйлаб ташвишли ҳаёлларга борардик. Аммо дунёни кўзимизга қоронғу кўрсатган ўйлар беҳуда эканлигига тезда ишонч ҳосил қилдик.

Меҳрибон шифокор, касалхона жарроҳлик бўлимининг мудири В. К. Катунадзе, ҳамширалар Гулбаҳор ҳамда Ғулойнахонларнинг тезкорлиги, ўз бурчларига садоқатлари туфайли ўғлимиз оғир операциядан муваффақиятли қутилди. Фарзандимиз қошида бўлган кунларимиз давомида бу шифохонада ҳамма учун эътибор бирдек эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Узоқ давом этган муолажалардан сўнг ўғлимиз соғайиб бағримизга қайтди, ҳозир мактабда ўқишини давом эттиряпти. Уни оиламизга, ҳаётга қайтарган шифокорлардан чексиз хурсандмиз. Уларнинг ишларига катта ютуқлар тилаймиз ва қўлимизни кўксимизга қўйиб, чин дилдан раҳмат деймиз.

Н. КАРИМОВ,
Узсовпрофга қарашли автобаза шофёри.
М. КАРИМОВА,
хизматчи.

ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАР ХАБАР БЕРАДИ

ЛИМОНЗОРДА КАРТОШКА

Калинин районидаги «Хасково» совхозимизда яна қўшимча бир гектар майдонда лимонзор ташкил қилдик. Ўтган йили ёш лимон дарахтлари оралиғидан унумли фойдаланиш учун 400 килограмм «Седов» навли картошка экиб, март ойининг бошларида эса тайёрлов пунктига 1200 килограмм картошка топширдик. Теплица хўжалигининг ишчилари билан маслаҳатлашиб бу йил яна ўтган йилги тажрибани такрорладик. 500 килограмм картошка экдик. Шу кунларда бу экинни иккинчи марта чопиқдан чиқариб яхши парвариш қилмоқдамиз. Теплица хўжалигидаги бошқа бўш қолган ерларга ҳам 10 килограмм карам уруғи сепдик. Биз бу йил 20 минг дона лимон, 1 миллион дона карам кўчати, 1500 килограмм картошка тайёрлаш учун қизғин кураш олиб бормоқдамиз.

Б. МАҲКАМОВ,
теплица агрономи.

ХАЛҚ КУТУБХОНАЛАРИ

«Сантехлит» заводи кутубхонаси корхонанинг ишчи-хизматчиларига намунали хизмат кўрсатаётир. Завод конструктори, жамоатчи сотувчи Т. Пестова турли хил адабиётлар, айниқса техникага оид китоблар билан савдо қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Шундай кутубхона Эйвалек махсус темир-бетон комбинатида ҳам ишлаб турибди.

Яқинда «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам шундай кутубхона иш бошлади. Бирлашма маъмурияти халқ кутубхонаси учун алоҳида хона ажратиб берди. Китобларни ишчи-хизматчилар мамнуннят билан харид қилмоқдалар.

А. НАВРЎЗОВ,
Оҳангарон шаҳри.

АГИТПОЕЗД—ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

Чорвадорлар учун қишлов ҳал қилувчи палла. Улар қишнинг изғиринли кунларида куну-тун фидокорона меҳнат қилиб, чорва молларини қишловдан беталофат олиб чиқишга интилмоқдалар. Савдо, медицина, маданият ходимлари чўпонлар ҳузурида тез-тез бўлиб, маданий-маиший хизмат кўрсатмоқдалар.

Оҳангарон районида ташкиллаштирилган агитпоезд яқинда «Оҳангарон» совхози меҳнаткашларини хушнуд этди. Улар хўжаликнинг 5-бўлимидаги С. Пўлатов мудирлик қилаётган сут-товар фермасида бўлиб, саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилдилар, махсус программада концерт қўйиб бердилар. Агитпоезд шу куни хўжаликнинг бошқа бўлимларида ҳам бўлиб, чорвадорларга хизмат кўрсатди.

М. ҚУЧҚОРОВ,
штатсиз мухбир.

«ТЕХНИКАНИ АВАЙЛАЙЛИК, УМРИНИ УЗАЙТИРАЙЛИК» МАҚОЛАСИ МУҲОКАМАДА

ТИЙИННИ МЕНСИМАГАН СЎМЛАБ ЙЎҚОТАДИ

БИЗ СУТ соғувчи-операторларга замонавий, мураккаб, «ақлли» техникани ишониб топшириб қўйишган. Ҳар бир машина ва унинг ҳар бир деталини тайёрлашда юзлаб кишиларнинг меҳнати, қалб қўри сингганлигини тушунамиз. Масалан, соғиш аппаратини олайлик. Унинг барча қисмлари зарур деталь шаклига айлангунча ўнлаб ишчи қўллардан ўтади.

Баъзан фермамиз территориясида уюлиб ётган чиқиндилар орасида пульсаторнинг қисмлари сочилиб ётганини кўрамиз. Бу деталь аслида арзон туради. Нарҳи бор-йўғи 1 сўм 20 тийин холос. Бироқ келтирадиган фойдаси бебаҳодир. У сигирлар елнидаги сутни ҳаво кучи билан сўриб олишда босимнинг бир маромда ўзгариб туришини таъминлайди. Натижада сигирлар елнининг мастит касалига чалиниши кескин камаяди. Экспедиторларимиз ҳар сафар «Сельхозтехника»дан юзлаб пульсаторлар олишади. Бу хўжаликнинг юзлаб сўм маблағи эвазига келади. Соғувчиларнинг, механикларнинг ҳамёнлари эса бунга даҳлсиз.

Шундан бўлса керак, пульсаторлар иш жараёнида бироз «тихирлик» қилиб қолса, ҳеч ўйлаб ўтирмай, уни ташлаб, янгисини олиб ишлатишади. Баъзан эса запас тугаб қолиб, чиқиндилар уюми орасидан пульсаторларнинг соғ қисмларини қидириб қолишади. Тартиб-интизом қатъий йўлга қўйилган фермада бундай аҳвол содир бўлмайди. Механиклар ҳар бир қисм учун алоҳида жой ажратиб сақлайдилар. Бузилиб қолган пульсаторларни эса қисмларга бўлиб, яхшилаб ювиб, тозалашади ва асраб қўйишади. Зарур бўлиб қолган пайтда улардан фойдаланиш мумкин бўлади. Баъзилар арзимаган буюм учун ҳам шунчалик овора бўлишмоқда. Ҳатто, дейишлари мумкин. Бундай деб ўйлаш — ўзгаларнинг, қолаверса ўзингнинг меҳнатингни менсимаслик, оёқ остига қилишдан бўлак нарса эмас!

Резинали қисмларнинг тез ишдан чиқиши сабабли хўжаликлар соғиш аппаратларини ташлаб юборибмиз, минг сўмлаб пул сарфлаб янгисини сотиб оладилар, деб мурожаатда жуда тўғри айтилган. Соғиш аппаратлари резинали қисмларнинг ишлаш муддатлари нормада белгилаб қўйилган. Лекин улар бу муддатга чидамайди. Бунинг учун баъзида ўзимизнинг бепарволигимиз, эътиборсизлигимиз ҳам сабаб бўлмоқда. Айрим соғувчилар, механиклар резинали қисмларни асраш қоидасига риоя қилишмайди. Кўпинча очиқ ҳавода, жазирама қуёш остида қолдириб юборадилар. Оқибатда улар икки йил ишламаёқ яроқсиз бўлиб қолади. Ҳолбуки, улар полиэтилен халтачаларда, соя-салқин ерда асралса умри узаяди.

Тошкент областидаги ҳамма хўжаликларда сигирларни соғиш деярли тўла механизациялаштирилган. Демак, сигирларнинг сони ва белгиланган вақт нормасига мувофиқ равишда соғиш аппаратлари учун резинали қисмлар бериб боришнинг аниқ графигини тузиш вақти келмадимикан? Бу хусусда «Сельхозтехника» бирлашмалари чуқурроқ ўйлаб кўришлари керак.

Биз сут соғувчилар ҳам техникага бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Машинада сут соғиш қоидаларини эринмай қайта-қайта ўрганиб, такрорлаб турсак фойдадан ҳоли бўлмайди. Ана шунда соғиш аппаратлари умрини икки-уч баравар узайтирган бўламиз.

Риза СУЮНОВ,
«Красний водопад» эксперименталь базаси машинада сут соғиш оператори.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

«КЕРАКСИЗ» ХОМ АШЁЛАР

КЕЙИНГИ йилларда саноат ишлаб чиқариши ҳамда рўзғордан ортадиган кўпчилик чиқиндиларга қайта ишлов бериб турли маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор қилинмоқда. Бугунги кунда махсус қабул пунктлари ёнида тўп-тўп макулатуралар қўтариб турган йигит-қизларни, мактаб ҳовлиси томон металлоломлар ташиб кетаётган ўқувчиларни учратганимизда асло таажжубланмаймиз. Қоғоз ёки металларни тўплаб иккламчи ишловга топшириш оддий бир воқеага айланиб қолди.

Дарҳақиқат ана шу макулатуралар қанчадан-қанча яшил бойлигимизни сақлаб қолаётганлигини тасаввур қилиш қийин. Металлоломларга келсак, қазилма маъданларидан металл компонентларини ажратиб олиб уларни эритишдан кўра тўпланган темир-терсакларга қайта ишлов бериб, улардан зарур маҳсулотлар тайёрлаш саноатимиз учун бир неча баравар арзонга тушиши тажрибада исботланган. Мана бу-ларнинг ҳаммаси экономика тежамли бўлаётганлигининг даракчиси дейиш мумкин. Афсуски, айрим хом ашёлар ҳамон фойдаланилмай ётганлигини кўрганингда ачинасан киши.

Бир қарашда шишадан тайёрланган барча маҳсулотлар, идишларни қабул қилиш тартиби ҳам яхши йўлга қўйилгандек туюлади. Бунинг учун махсус қабул пунктлари ташкил этилган. Лекин, ана шу пунктлар барча муаммоларни тўла-тўкис ҳал этиш имконини беради, деб бўлмайди. Айтайлик, муайян шиша идишнинг чети учган ёки дарз кетган бўлса, у албатта эгасига қайтариб берилади. Тартиб шундай. Унга риоя қилиш керак. Бунга ҳеч ким эътироз ҳам билдирмоқчи эмас. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор-ку! Ана шу кичик «носозлик»дан сўнг шиша идишлар улоқтириб юборилади: энди улар ҳеч кимга керак эмас. Бундан ташқари «стандартга тўғри келмаслиги сабабли» яна талайгина жимжимадор шиша идишлар хонадонларда бекорга қалашиб ётибди, Ҳар бир хонадондан қанчадан-қанча шиша идишлар чиқитга чиқарилишини тасаввур қилинг. Аҳолини бундай исрофгарчиликка йўл қўяётганликда айблаб ҳам бўлмайди. Ахир уларни хўжаликда тўплаб туришдан нима фойда.

Шиша буюмлар, идишлар тақдири ҳақида узоқ гапирмоқчи эмасман. Фақатгина ана шу чиқиндилар шиша хом ашёси вазифасини бажара олиши ҳаёлимдан кетмайди. Эҳтимол шиша танқислиги тўла-тўкис ҳал қилинган масаладир. Еки шиша хом ашёлари туганмас эканлиги исботланганми? Бундай бўлмаса керак. Ҳар ҳолда зарурат туғилганда 3, 5, 10 литрлик шиша идишларни топишнинг ўзи бўлмайди. Ваҳоланки, юқорида тилга олиб ўтилган — дарз кетган, синган шишаларни ва уларнинг парчаларини қабул қилиб олиб, улардан тайёр хом ашё сифатида фойдаланиш ва шу асосда умуман шиша, анча танқис буюмлар тайёрлашни йўлга қўйиш вақти келди. Бу билан давлатга катта иқтисодий фойда келтирилган ва шиша идишлар танқислигини сезиларли даражада камайтириш мумкин бўлур эди. Бу эса экономика тежамли бўлсин деган жанговар шиор ўртага ташланган ҳозирги вақтда айни муддаодир.

И. ЗИМИН.
Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, коммунистик меҳнат зарбдори.

БОЛАЛАРГА ЎҚИБ БЕРИНГ

НОН ҚАДРИ

Нон танлайди шўх
Ҳамдам:
— Бу эски, бу қаттиқроқ.
Буни емайман ҳеч ҳам,
Бор-ку, ана янги, оқ...
— Эркароқ ўсдинг-да,—
дер,—
Оқ нон бериб,—ойиси,—
Нон танлашинг —
шўхликдир
Ва ё тўқлик бонси?!
Мактабдан келгач, тағин
Кўнгли унинг нон тусар.
Ойиси-чи?.. Атайин
Нонсиз дастурхон ясар.
— Қорним оч-ку, нон
қани?
— Оқ юмшоғи йўқ,
болам...
Билар энди нон қадрин:
— Ердим қаттиқ бўлса
ҳам.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

● Тошкент районидаги 1-музика мактабининг директори Озод Самадов (ўнгда) ҳаракатчан раҳбар, талантли музикачидир. У бошчилик қилаётган коллектив талабалари область ва республика «Санъат байрами» кўрикларида дипломлар билан тақдирландилар. Суратда: О. Самадов ўз талабаси билан машғулот пайтида.

У. УСМОНОВ фотоси.

ГАЗЕТХОН ТАНҚИД ҚИЛАДИ

АЙТСАНГ ТИЛИНГ КУЯДИ, АЙТМАСАНГ...

Шаҳримизнинг Ҳамза районидаги Мусаффо, Ткаченко ва Иззат кўчаларининг хонадонларида электр чироқларининг ёмон аҳволда эканлиги — симёғочлар, линиялар, қолаверса электр қуввати талаблар даражасида эмаслиги хусусида тегишли ташкилотларга ёзавериб чарчадик.

Воқеа мана бундай. Бундан роса 16 йил муқаддам Миршаропов номли маҳалладаги 198-мактаб биқинида электр киоскаси ўрнатилган эди. Ўша вақтда мазкур маҳаллада 800 га яқин хонадон, бир мактаб бор эди. Ушбу киоска орқали узатилаётган электр қуввати уларни таъминларди.

1970 йилдан бошлаб ҳозирги Ткаченко кўчаси, унинг проезд ва тупиклари ўрни, Иззат кўчасининг тугалланмасидаги бўш ерлар турар жойларга ажратилиб, қурилишлар билан обод қилинди; маҳаллада 1972 ва 1980 йиллар мобайнида янгидан 500 ўринли болалар боғчаси ва поликлиника фойдаланишга топширилди. Ҳозирги вақтда Миршаропов номли маҳаллада 1100 хўжалик истиқомат қилмоқда.

Ҳурматли редакция! Маҳалладаги хонадонларнинг сони кўпайиб кетганлиги, электр қувватига бўлган талабнинг катталигини эътиборга олиб, мазкур кўчалар учун янгитдан электр киоскаси ўрнатиб бериш ва аҳолининг электр нурига бўлган эҳтиёжини нормал таъминлашни кўзда тутиб 1980 йилнинг май ойида Тошкент шаҳар электр тармоқлари идорасига ва 1981 йилнинг августида Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлигига хат ёзган эдик.

Афсуски, шу кунгача бу-лардан лом-мим деган овоз чиқмади. Район электр тармоқлари идорасидагилар эса «киоска ўрнатиш жуда мушкул, аммо симёғочларни стандарт қилиб янгилаймиз» деб ҳар йили ваъда беришади. Аслини олганда киоска ҳам ўрнатилмади, симёғочлар ҳам янгиланмади.

Бундай нохушлик қачонгача давом этади?

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
халқ назоратчиси.

БОСИЛМАГАН МАТЕРИАЛЛАР ИЗИДАН

ФАКТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Редакцияга келган хатларнинг бирида Оржоникидзе район матлубот жамиятига қарашли хўжалик ҳисобида ишлайдиган автобазадаги айрим қинғир ишлар очиб ташланган эди.

Хат юзасидан район матлубот жамияти правленнеси раиси Ҳ. Раҳматуллаевдан олинган жавобда бундай дейилади: Текширишда шикоят хатида кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Шофёр В. Бадалов ўтган йилнинг 1 ва 2 май кунлари «коллектив маёвкага чиқди» деб 7885 ва 7886-рақамли йўл варақаларини тўлатиб бухгалтерияга топширган.

Бухгалтериядаги ўртоқлар суриштирмай унга ишламаган икки куни учун 12 сўм 36 тийин ҳақ ёзишган. Автобаза бухгалтерияси ҳам шу йўл варақалари асосида район бўрдоқичилик базасидан бажарилмаган иш учун 48 сўм олган.

Район матлубот жамияти правленнесининг қарори билан В. Бадалов меҳнат қилмай олган иш ҳақини қассага қайтарди. Бўрдоқичилик базасидан нотўғри олинган пул ҳам қайтариб берилди.

Автобаза механиги Э. Аблаевга текширмай йўл варақасига қўл қўйганлиги учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек, бўрдоқичилик базаси директори Б. Алимбоев, катта бухгалтер Х. Илёсов маъмурий йўл билан жазоланишди.

САҲНАДА—ФИЛЬМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

«Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберган Қаипбергенов асари асосида «Бўйсунмас» янги бадиий фильмини суратга олишни ниҳоясига етказдилар. Фильм қорақалпоқ халқининг аянчли ўтмиши ва ўз озодлиги учун олиб борган курашиҳақида тўлақонли ҳикоя қилади. Республика Киночилар уйида ана шу фильм ижодкорлари билан томошабинлар учрашуви ўтказилди. Учрашувда картинадаги бош ролларни ижро этган СССР халқ артисти Наби Раҳимов, актриса Тамара Шокирова, режиссёр А. Қобулов, постановкачи оператор Д. Абдуллаевлар фильмни яратиш жараёнидаги фаолиятлари ҳақида йиғилганларга гапириб беришди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига область социал таъминот бўлимининг колхозлар ва совхозлар пенсияси таъминоти секторининг мудири, юрист А. ҚОДИРОВ жавоб беради:

САВОЛ: 20 процентли қўшимча пенсия белгилаш тартибини муфассалроқ тушунтириб берсангиз.

А. ТУРСУНОВ,
Бекобод райони.

ЖАВОБ: СССР Министрлар Советининг «Давлат пенсиялари тайинлаш ва тўлаш тартиби ҳақидаги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида — «Бир корхона, муассаса, ташкилотда узлуксиз ишлаганлиги учун қариялик пенсиясига 20 процентли қўшимча белгилаш ҳақида 1980 йил 7 январдаги қарорга биноан қариялик пенсияси ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг, шунингдек, СССР Министрлар Советининг 1964 йил 20 июндаги 622-сонли қарорига мувофиқ колхоз раислари, мутахассислари, механизаторлари ва бош бухгалтерларига қариялик пенсияси белгиланган бўлса, 20 процентли қўшимча учта шарт бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган тақдирда тайинланади: — агар бир корхонадаги иш стажи камида 25 йил, болалик аёлларнинг стажи камида 20 йил бўлса;

— агар умумий иш стажи қариялиги учун пенсия тайинлашда талаб қилинадиган иш стажидан ўн йил ошиқ бўлиб эркаклар учун 35 йил, аёллар учун 30 йил, бош ва ундан ортиқ бола туғиб, 8 ёшгача тарбия қилган аёллар учун;

— агар ишчи, хизматчи, инженер-техник, колхозчиларнинг мутахассис ходимлари 1983 йил 1 январгача ва бундан сал кейинроқ ҳам корхона, муассаса, колхоз ёки бирор ташкилотда ишлаётган, ёхуд ҳарбийлаштирилган қоровулликда, махсус алоқа органларида, тоғ-қутқарув қисмларида хизмат қилаётган бўлса.

САВОЛ: Марказий район касалхонасига қарашли медицина муассасасининг биридан иккинчисига ўтилган тақдирда узлуксиз иш стажи сақланиб қоладими ёки йўқми?

Б. АҲМЕДОВА,
медицина ҳамшираси.

ЖАВОБ: район территориясидаги поликлиникалар, даволаш пунктлари, тез ёрдам станциялари, стационарлар, кўчма амбулаториялар, марказий район касалхонасининг мустақил бўлмаган шоҳобчалари деб ҳисобланади. Ана шундай ҳолларда уларнинг биридан иккинчисига ишга ўтилганда меҳнат стажида узилиш қайд этилмайди.

Бундан ташқари, Марказий район касалхонасига мустақил медицина муассасалари ҳам бўйсуниши мумкин. Бундай ҳолларда Марказий район касалхонаси район соғлиқни сақлаш бўлими вазифасини бажарувчи деб қабул қилинади. Ана шундай ҳолларда уларнинг биридан иккинчисига ишга ўтилса, стажда узилиш ҳосил бўлади.

САВОЛ: Педагоглар битта район халқ маорифи бўлимига бўйсунадиган мактабларнинг биридан иккинчисига ишга ўтсалар узлуксиз меҳнат стажига таъсир этадими?

А. ҲАКИМОВ,
ўқитувчи.

ЖАВОБ: Ҳа, таъсир этади. Бундай ҳолларда узлуксиз меҳнат стажи сақланиб қолмайди. Ўрта умум-таълим мактабларининг СССР Министрлар Советининг 749-сонли (8 сентябрь 1970 йил) қарори билан тасдиқланган Уставига мувофиқ саккиз йиллик ҳамда бошланғич мактаблар мустақил юридик ҳуқуқларга эга бўлиб, район халқ маорифи бўлимига бўйсунувчи мустақил билим юрти деб юритилади.

Бироқ, ўқувчиларнинг умумий миқдори камайиши натижасида ва шунинг асосида педагоглар сони қисқартирилиши муносабати билан ўқитувчиларнинг бошқа ташкилотга, шу жўмладан бошқа мактабга ишга ўтиши меҳнат стажининг узлуксиз бўлишига таъсир этмайди, ҳамда 20 процентли қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

БОБИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МУҚАДДАС МЕРОС

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Илмий кенгашининг улуғ ўзбек шоири ва олими Заҳириддин Муҳаммад Бобир туғилган кунинг 500 йиллигига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Илмий кенгашда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, Тожикистон ССР Маориф министрлиги ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг олимлари ва илмий ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик секретари М. Нурмуҳамедов Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми билан Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Бобир таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш юзасидан қабул қилган қарорини кенгаш иштирокчиларига ўқиб берди.

Кенгайтирилган Илмий кенгаш Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори, филология фанлари доктори, профессор Азиз Пўлатович Қаюмовнинг «Бобирнинг ижодий мероси ва унинг ўзбек маданияти тарихидаги ўрни» мавзуидаги доклади билан очилди. Докладчи ўзбек маданияти тарихида Бобирнинг тутган ўрни ғоят баланд эканлигини, адиб ўзининг ёркин истеъдоди билан адабиёт, фан тараққиётига улкан улуш қўшганлигини, адабиёт тарихида улуғ Навоий ишининг истеъдодли давомчиси бўлган Бобирнинг бу қийматбаҳо ижодий мероси абадий барҳаёт эканлигини атрофлича ёритиб берди.

Филология фанлари кандидати, Қўлёзмалар институти бўлим мудири Ф. К. Сулаймонова «Бобир ижодининг халқаро аҳамияти», Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти бўлим мудири, тарих фанлари доктори С. Азимжонова «Хатти Бобирий», филология фанлари кандидати Б. Ҳасанов Алишер Навоий асарларига мўлжаллаб тузилган луғатларда Бобир ижодидан мисоллар мавзуида доклад қилдилар.

Шунингдек, мажлис иштирокчиларида филология фанлари кандидати С. Ҳасановнинг Бобир девонларининг қўлёзма нусхалари, хусусан унинг Эрондаги «Гулистон» кутубхонасида, Ҳайдарободдаги «Саларжанг» музейи фондида сақланаётган илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган қўлёзма нусхалари тўғрисидаги маълумоти катта таассурот қолдирди.

Адабиётшунос, филология фанлари кандидати М. Ҳакимовнинг докладн эса «Бобирнома»нинг адабий манбаъ сифатидаги аҳамияти таҳлилига бағишланди. У «Бобирнома»нинг бошланғич қисмлари Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг давомидек муҳим аҳамиятга эга эканлигини далиллар билан кўрсатиб берди. Бобирнинг Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Беҳзод, Биноий ва бошқа адабиёт, санъат аҳллари ҳақидаги фикрлари унинг истеъдодли адабиётшунос, санъатшунос сифатида фикр юритганлигидан далолат беради.

Маълумки, «Бобирнома» инглиз ва француз тилларига ҳам таржима қилинган. Ана шу нашрларнинг илмий ва амалий хусуситлари тўғрисида илмий ходим С. Шукуруллаева ва филология фанлари кандидати Р. Ҳолбековлар гапириб бердилар.

Илмий кенгаш йиғилишида филология фанлари кандидати С. Зуфаров, филология фанлари доктори, профессор Б. Валиҳўжаев, филология фанлари кандидати Ш. Шариповлар ҳам Бобирнинг серқирра ижоди, мазмунли ҳаёт йўли ҳақида доклад қилдилар. Бу докладларда Бобирнинг, айниқса, тил масалаларига алоҳида эътибор берганлиги, услуб, иборалар устида қунт билан ишлагаилиги қайд этилди.

Бобир ўз ижодий фаолиятида Лутфий меросидан унумли фойдаланган. Айниқса унинг аруз вазнида ёзган шеърларида мутафаккир шоир Лутфийнинг таъсири яққол кўринади. Хусусан, Бобирнинг «Аруз рисоласи»да ижодий ҳамнафасликни сезиш мумкин. Бобирнинг мазкур асари ёрдамида Лутфийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган айрим байт ва ғазалларини аниқлашга муяссар бўлинди. Бу мавзуда доклад қилган олимлар ва Бобирнинг сафардаги ҳаёти билан боғлиқ асарларини таҳлил қилган тожикистонлик илмий ходим Р. Каримов шоир меросининг ниҳоятда бой эканлигини таъкидладилар.

Йиғилишда илмий ходим А. Назарқулова Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида Бобир ижодига бағишлаб очилган экспозиция ҳақида сўзлаб берди.

Анжуманда сўзга чиққан олимлар ва илмий ходимлар бу йиғилишда ўқилган докладлар Бобир меросининг ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида салмоқли ўрин тутишини, шоир меросини бундан буён ҳам изчиллик билан тадқиқ этиш заруриятини алоҳида қайд қилдилар.

Э. АҲМАДХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг илмий секретари.

● УЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти олимлари буюк мутафаккир шоир Бобир таваллудининг 500 йиллигини муносиб нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) институт қўлёзмалар секторининг кичик илмий ходими М. Солиҳова, сектор мудири, филология фанлари кандидати Қ. Муниров ва кичик илмий ходим Н. Умаровалар Бобирнинг асарларини кўргазмага тайёрлаш ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

В. ПОРТНОВ фотоси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ТОНГГИ НИДО»

● ЎЗБЕКИСТОН ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР халқ маорифи аълочиси шоир Наримон Орифжонов 50 ёшга тўлди. Бу тўплам ижодкорнинг ана шу тўйига тайёрлаган совғасидир. Унга адибнинг энг яхши ҳикоялари киритилган. Муаллиф китобхонларга ўзининг шеър, ҳикоя ва қўшиқлари билан таниш. Унинг «Юракка теккан ўқи», «Энг бахтли кун», «Моникага мактублар», «Оқ каптар», «Зилзила», «Зубайда ва мен», «Салом, Пифагор» ва «Туйғулар» тўпламларини болалар ва ўсмирлар севиб ўқишади.

«УЧ СОЗ»

● БУ ТЎПЛАМ фарғоналик кекса боғбон Ҳамдамий, тошкентлик ўқитувчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Карим Раҳимзоданинг шеър ва ғазаллари, таниқли ҳофиз Ўзбекистон ССР халқ артисти Яҳёхон Маматхоновнинг қўшиқларидан тузилган.

Уларда пахтакор ўлкамиз таровати ва меҳнаткаш халқимиз зафарлари улуғланади, кексаларга ҳурмат, ёшларга меҳр-шафқат, гўзаллик, муҳаббат ва вафо куйланади.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ. «САЙЛАНМА»

● ШИРИНСУХАН, файласуф шоир адиб Собир Термизийнинг туғилганига бу йил 900 йил тўлади. Унинг хилма-хил поэтик жанрлардаги асарларидан намуналар 1979 йилда «Танланган асарлар» номи билан нашр этилган эди. Шоирнинг қайта тартиб берилган ушбу «Сайланма»сига унинг табиат гўзаллиги ва инсон эрки, ишқ-муҳаббатни куйловчи, ижтимоий зиддият ва ноҳақликларни фош этувчи шеърий асарларидан намуналар киритилди. Тўплам ўқувчиларга буюк ватандошимиз меросининг теранлиги, истеъдод уфқининг кенглиги ҳақида муайян тасаввур беради.

Китобни форсчадан шоир Чустий ва Жамол Камол таржима қилишган.

«ЁРҚИН СИЙМОЛАР»

● ЕШ ҚАЛАМКАШ Ҳамид Мурод халқимизнинг асл фарзандлари — Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов сингари атоқли давлат арбоблари, улкан сўз санъаткори Ойбек ҳақида эл-юрт орасида юрган, муайян тарихий асосга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни бадиий жиҳатдан қайта ишлаб, мазкур китобчага тартиб берган. Бу ҳужжатли лавҳаларда номлари зикр этилган улуғ шахсларнинг ибратли фаолияти, одамийлиги, ҳаётий ва ижодий изланишлари ўзига хос шаклда акс эттирилган.

УШБУ КИТОБЛАР ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛДИ.

● Тошкентдаги ёшлар олимпия резервлари мактаби спортчиларининг севимли масканига айланган. Бу ерда ўнлаб ёшлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Суратда: юқори синф ўқувчилари — гимнастика бўйича СССР спорт мастерлигига номзод В. Галимова (ўнгда) ва СССР спорт мастери Н. Ловцеваларни машғулот пайтида кўриб турибсиз.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

УЛУҒ ҒАЛАБА ЁДГОРЛИГИ

Совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Васи ёдгорлиги Ватанимизнинг сўнмас жасоратини абадийлаштиради. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюро-Ватан уруши музейи билан таклифини маъқуллади. Анна города қурилади.

Улуғ Ғалаба ёдгорлигини айни шу ерда, Поклонная города қуришга қарор берилганлигида тарихий қонуният бор. Кремлдан «Москва—қаҳрамон шаҳар» обидасига, Бородино панорамасига ва Зафар аркасига бориладиган магистрал ҳақли равишда ҳарбий жасорат йўли деб шуҳрат қозонган. Халқ неча марталаб шу ердан, машҳур Смоленск йўли орқали Ватанни ҳимоя қилишга отланган. Улуғ Ватан уруши йилларида халқ лашкарларининг отрядлари фронтга шу йўлдан жўнаган эдилар. Ғолиблар ҳам шу йўлдан қайтиб келган эдилар.

Пойтахтнинг асосий дарвозаларидан бири — шу ерда жойлашган, энди меҳмонларни улуғвор Ғалаба ёдгорлиги ансамбли қарши оладиган бўлади.

Ёдгорликнинг энг яхши лойиҳаси учун ўтказилган конкурсда атоқли совет ҳайкалтарошлари, меъморлари иштирок этишди. СССР Маданият министрлиги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Томский бошчилигидаги раҳбар муаллифлар коллективини тузди. Бу коллективга ҳайкалтарошлардан О. Кирюхин, Ю. Чернов, меъморлардан Я. Белопольский, Л. Голубовский, А. Полянский, Б. Рубаненко, монументалчи — рассом Ю. Королевлар киритилди. СССР Мудофаа министрлиги уруш тарихи институтининг мутахассислари лойиҳанинг илмий консультантлари бўлдилар.

Қизил гранитдан ўрнатиладиган ёдгорлик «Ғолиб халқ» мавзуини очиб берувчи кўп фигурали композициядан иборат бўлади. Муаллифларнинг фикрича, у Коммунистик партия раҳбарлигида кўп миллатли Ватанимизни ҳимоя қилишга отланган ва ғалаба қозонган совет халқининг якдиллиги ҳамда жиссларини ғавдалантириши лозим. Ленин байроғидан руҳланган жангчилар ва партизанлар, ишчилар ва деҳқонлар, зиёлилар — урушда қатнашган улуғсифат ва камтарин меҳнатчилар, ҳар бири ўз постида ғалаба учун жанг қилган ва ишлаган фидокор ва мард кишиларнинг ҳаммалари ягона сафда одим ташлайдилар. Ҳайкалтарошлик — меъморчилик композициялари бамисоли жангномаларнинг қаҳрамонларидек қад кўтаради. Улар энг катта жангу жадалларни тасвирлайди, мангуликка риҳлат қилган қаҳрамонларнинг сиймоларини ғавдалантиради.

Ансамблга узвий равишда қўшиб юборилган музей Улуғ Ватан урушининг бадиий солномаси бўлиб қолади. Унинг экспонатлари — тасвирий санъат ҳамма турлари ва жанрларининг асарлари урушнинг 1418 кечаю кундузидаги муҳитни —мамлакатни муттасил ғалабага яқинлаштирган даҳшатли ва қаҳрамонона кунларни тасвирлайди. Шу кунларда яратилган асарлар орасида уруш йилларининг порох ҳиди анқиб турган суратлари — жанглар орасидаги танаффус вақтида шоша-пиша чизилган ва совет кишисининг юксак маънавий руҳидан далолат берадиган суратлар ҳам жойлаштирилади.

Сўз ва музика — уруш йилларининг ҳужжатлари, ўша йилларда янграган қўшиқлар, музаффар халқ жасоратини тараннум этувчи энг яхши назм ва наср саҳифалари ўша пайтларнинг муҳитини ҳис этишга кўмаклашади.

Шуҳрат залига энг қийматбаҳо ёдгорликларни қўйишга қарор берилди. Оқ мармарга Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг ва Шуҳрат ордени тўла нишондорларининг номлари ўйиб ёзилади. Улуғ Ватан урушидаги энг шуҳратли ҳарбий бошлиқларнинг бюстлари ҳам шу ерга қўйилади. Зал ичидаги Ғалаба ордени тасвирланган гумбаз советлар мамлакатидаги барча халқлар кураши билан қўлга киритилган ғалабанинг қийин йўли босқичларини тасвирловчи суратлар билан безатилади.

Улуғвор режани рўёбга чиқариш ишлари бошлаб юборилди. Ҳайкалтарошлар билан меъморлар меҳнат қилаётган устахоналарда лойиҳа икир-чикирларигача қиёмига етказилмоқда. Поклонная гора территорияси ва 120 гектар майдонни ишғол қилувчи парк қиёфаси ўзгартирилмоқда.

Янги ёдгорликнинг қурилиши — ҳозирги бахтимиз учун ўз жонларини фидо қилган, бардош бериб ғалаба қозонган кишиларга авлодларнинг сидқидилдан миннатдорчилиги рамзи бўлади. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари мислсиз жасорати шарафига қаҳрамон шаҳар Москвада ўрнатиладиган Ғалаба ёдгорлиги ер юзида тинчликни ардоқлашга, планетанинг ҳавосини мусафо сақлашга, Ватанимиз хавфсизлиги посбонлигида сергак туришга қилинган оташин даъват бўлиб янграйди.

Л. БЕРНАСКОНИ,
ТАСС мухбири.

Спорт

БУГУН — ТОҒ ЧАНҒИ СПОРТЧИЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ОЧИЛАДИ

ЯНА ЧИМЁНГА

Яқиндагина момиқ қорлар билан қопланган Чимёнда сирпиниш маротаба мамлакат биллур соврини учун мусобақалар бўлиб ўтган эди. Мана энди эса бу ерда илк бор халқаро турнирга старт берилмоқда. Мусобақаларда социалистик мамлакатларнинг ёшлари «Дўстлик» кубогини қўлга киритиш учун ўзаро баҳс юритадилар. Чаққонлик, эпчиллик ва матонат кўрниги бўлган турнирда Венгрия, Польша, Руминия, Болгария спортчилари қаторида СССР ва Ўзбекистон терма командалари ҳам иштирок этади.

Мазкур мусобақалар республикамизда спортнинг қишки турларини ривожлантириш ишига янада салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади. У бўлажак олимпиадачилар кўрнигига ҳам айланади, Чимён ёшлари ўзига хос синовдан ўтказади.

— Чимённинг келажаги порлоқ,—дейди СССР Спорт комитети қишки спорт турлари бошқармасининг бошлиғи В. Галаев.— Негаки, бу ернинг шаронти, ҳавоси тоғчанғи спортини ривожлантириш учун ниҳоятда қўл келади.

Дарҳақиқат, Чимён, унинг табиий шароитлари ҳақида кўпгина мутахассислар ана шундай илиқ фикрлар билдиришмоқда. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳам халқаро мусобақалар ўтказиш талабига тўлиқ жавоб бера олади.

Республикамиз ёшлар терма командаси мазкур турнирга жиддий тайёргарлик кўрган. Улар бундай катта мусобақаларда иштирок этишни ўзига хос имтиҳон деб биладилар ва унда бор маҳоратларини ишга соладилар. Спортчиларимиз халқаро турнирда яхши натижаларни қўлга киритишни мўлжаллаб туришибди.

Чимён қўйнидаги мусобақаларда юқори спорт натижаларининг қайд қилиниши табиий. У мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам пойтахт области меҳнаткашлари кўп сонли спорт ишқибозлари ёш чанғичиларга «Чимёнга хуш келибсиз» дейишмоқда.

Ф. ИСАЕВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ШАШКА. Кеча «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари соврини учун оммавий шашка мусобақаларининг биринчи маротаба босқичи бошланди. Сентябрь ойигача давом этадиган бу босқич корхоналар, колхоз ва совхозлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, ўқув юртлари, маданият уйлари, уй-жойлар ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиш масканларида ўтказилади. Олимпиада системасида бўладиган турнирда шашка ихлосмандларининг барчаси иштирок этиши мумкин. Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган мазкур турнирга 1984 йилнинг октябрь ойида якун ясалади.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Чирчиқлик Геннадий Белков Москвада ўтказилган СССР кубоги мусобақаларида 2 метр 26 сантиметр баландликка сакраб фахрли иккинчи ўринни эгаллади. 400 метрга югуришда тошкентлик Сергей Логачёв бронза медалига сазовор бўлди.

● ХОККЕЙ. Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган «Бинокор» навбатдаги турда Свердловскнинг «Автомобилист» командасини қабул қилди Ҳар иккн учрашувда ҳам ҳамшаҳарларимиз иккониятни бой бердилар. Ҳисоб 1:4 ва 3:9.

Халқаро ҳаёт

ФАЛАСТИН МИЛЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

● ЖАЗОИР. Жазоир пойтахтида Фаластин қаршилик ҳаракати қонун чиқарувчи олий органи — Фаластин миллий кенгашининг 16 сессияси очилди. Сессия ишида фаластинлик араб халқи ҳамма табақаларидан вакил бўлиб келган 350 дан ортиқ делегат қатнашмоқда. Сессияда 130 нафардан кўп чет эл делегациялари, шу жумладан Совет Иттифоқи делегацияси қатнашмоқда.

Сессияда Фаластин қаршилик ҳаракати сафларини янада жипслаштириш масалалари муҳокама қилинади, Фаластин проблемаси одилона ҳал этилишига эришиш учун конкрет чоралар ишлаб чиқилади.

АМЕРИКАНИНГ РАКЕТАЛАРИГА ҚАРШИ

● ЛИССАБОН. Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталарнинг жойлаштирилиши, шу мамлакатларнинг халқлари учун ғоят катта хавфдир. Португалиянинг собиқ президенти, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг вице-президенти Франсиску да Кошта Гомеш ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида шу гапни айтди. Ядро уруши чиққудек бўлса, шу давлатлар жавоб зарбаси бериладиган объект бўлиб қоладики, бу уларни тамомила йўқ қилиб юборади, деди у. Қўшма Штатлар эса ана шу урушда четда қолишни мўлжаллаяпти.

«Аввал бошданоқ мен «чекланган» деб аталмиш ядро уруши концепциясига, шунингдек Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ракета-ядро воситаларига қатъиян қарши чиқиб келдим», — деб давом қилди таниқли сиёсий арбоб. Бундай ниятларнинг амалга оширилиши дунёдаги кескинликни фақат кучайтириши шубҳасиз.

ҲАРБИЙ РЕЖИМ РЕПРЕССИЯЛАРНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

● ПАРИЖ. Покистоннинг ҳарбий режими мамлакат демократик кучлари вакилларига қарши репрессиялар сиёсатини кучайтирмоқда. Франс-пресс информация агентлигининг Лохурдан хабар беришича, маъмурлар мамлакатда демократия ва эркинлик нормаларини жорий этиш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш, ялпи парламент сайлови ўтказиш учун курашаётган оппозициядаги партиялар блоки — демократия ўрнатиш ҳаракатининг тўрт нафар раҳбарини қамоққа олганлар.

Ҳарбий маъмуриятнинг репрессияларига қарамай, мамлакатда кенг халқ оммасининг норозилиги кучайиб бормоқда. Покистоннинг кўпгина катта шаҳарларида митинг ва намойишлар бўлиб, уларнинг қатнашчилари ҳукмрон режимнинг халққа зид сиёсатига қатъий норозилик билдирдилар.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПРАГА. Чехословакиянинг Снина шаҳридаги «Вигорлат» машинасозлик заводи коллективи зафарли февралнинг бўлажак 35 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Босим остида металл қуйиш учун пресслар тайёрлашга ихтисослашган бу корхона ходимлари ноябрь ойининг охиригача Совет Иттифоқи учун экспорт буюртмаларинг барчасини бажаришга аҳд қилдилар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтида «Осиёнинг диний арбоблари — тинчлик учун курашда» мавзуида халқаро конференция очилди. Турли мамлакатлардан делегатлар Деҳлига келишди. Улар тинчлик учун, империалистик давлатларнинг қуролланиш пойгасини авж олдиришга қарши курашнинг муҳим проблемаларини муҳокама қиладилар.

● НИКОСИЯ. Спирос Киприану яна навбатдаги беш йиллик муддатга Кипр Республикаси президенти қилиб сайланди. 13 февралда бўлиб ўтган президент сайловида у, тўла бўлмаган ҳисоб-китобларга кўра, сайловчиларнинг 56 процентидан кўпроқ овозига эга бўлган. С. Киприану номзодини демократик партия кўрсатди ва Кипр меҳнаткаш халқи прогрессив партияси қўллаб-қувватлади.

(ТАСС, 14 февраль).



● ИРОҚ. Республика пойтахти Боғдодда кўплаб турар-жойлар, маъмурий бинолар, меҳмонхоналар, кўприклар қурилмоқда. Мамлакат аҳолисининг қариб тўртдан бир қисми — 3 миллион ироқлик пойтахтда яшайди.

Суратда: Боғдод шаҳри кўриниши.

Н. ПРЕДЕЛИС фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

Реклама ва эълонлар

М. Қориёқубов номидаги
Ўзбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
16 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғуломжон ЕҚУБОВ, VI Жаҳон фестивалининг лауреати Анвар РУСТАМОВ.
СОЛИСТЛАР: Дилором ҚАЮМОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қодир МЎМИНОВ.
Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИГА:
сувоқчи-бўёқчилар, дурадгорлар.
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 10-АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА:
БОШЛИҚЛАР: устахоналар, таъминот, автоколоннолар, эксплуатация бўлими, ҳаракат хавфсизлиги; навбатчи механиклар, 1, 2 класс ҳайдовчилари.
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА:
бўёқчилар, кошинкорлар, дурадгорлар.
Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:
Марказий пункт—Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти—2 квартал, 3-уй
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 2-уй.
Фрунзе район пункти—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Куйбишев район пункти—К. Маркс кўчаси, 59-уй.
А. Икромов район пункти—22-квартал, 13-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. Раҳимов район пункти—Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги Тошкент Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг
1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)
Троллейбус машиналари ҳайдовчилари тайёрлаш курсларига
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати — 6 ой.
Ўқиш давомида курсантларга ойига 70 сўмдан стипендия берилади, улар шаҳар трамвай ва троллейбусларида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлардан келган ёлғиз курсантларга депо яқинидаги ётоқхонадан жой берилади. Курсантлар ва ҳайдовчилар баҳосининг 50 процентини тўлаш шарти билан формали кийим кечак билан таъминланадилар.
Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/II да Рўё, 17/II да Олтин девор, 18/II да Қиёмат қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/II да Олифта (16.00), 17/II да Ишонмасанг ўламан (16.00), 18/II да Заҳар ичган даъвогар (16.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Аралаш ҳайвонлар группаси» аттракционининг гастроллари (18.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325741, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02796. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1544. 11